
Андижонда бир оила аъзолари – 3 нафар фуқарода коронавирус аниқланган, эр-хотин ва унинг талаба қизида тасдиқланган эди.

Андижонда бир оила аъзолари – 3 нафар фуқарода коронавирус аниқланган, эр-хотин ва унинг талаба қизида тасдиқланган эди.

Ҳозирда уларнинг аҳволи қониқарли, алоҳида ҳолатда тиббий назоратда даволанмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра коронавирус аниқланган шахслар келган барча ташкилотлар, яъни, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали ва Андижон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси зудлик билан 14 кунга вақтинча ёпилиб, карантин эълон қилинди.

Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг фаолияти Андижон шаҳар болалар шифохонасига юклатилди.

Андижон Давлат тиббиёт институти клиникаси ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг фаолияти Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига берилди.

Андижон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасининг хизмат фаолияти карантин мобайнида Андижон шаҳрининг бошқа 8 та оилавий поликлиникаларига тақсимланди. Андижонда туғруқхоналар, тез тиббий ёрдам – 103 хизмати, барча поликлиникалар, барча шифохоналар, шунингдек, хусусий шифо масканлари аҳолига тиббий хизматни қатъий тиббий-санитария қоидаларига риоя қилиб, чегараланган ҳолда давом эттирмоқдалар.

2020-03-28 15:13:36